# Муҳаддислар устози

***Ислом дини таълимотида Қуръони Карим асосий манба бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг диний, ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар ундан кейин турадиган манба ҳисобланади. Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтита ҳадислар тўплами мавжуд. Шуниси фахрлики, бу тўпламлар муаллифларининг деярли барчаси Ўрта Осиё халқлари вакилларидир. Шулар орасида барча муҳаддисларнинг пешвоси деган шарафли номга эришган Имом Ал-Бахорий алоҳида эътиборга молик буюк аллома ҳисобланади. ЎзА мухбири шарқшунос олим Убайдулла УВАТОВ билан учрашиб, Имом Ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўзлаб беришни сўради.***

— Ҳадис илмининг султони Муҳаммад Ал-Бухорий таваллуд топган шаҳар Бухорои Шариф азалдан илм-фан ва маданият тараққий топган йирик марказлардан ҳисобланади. Буюк аллома ёшлигидаёқ отадан етим қолиб, оналари қўлида тарбиялана бошлайди. Бирмунча улғайиб, хат-саводи чиққач, қалбида исломий илмларга, айниқса, пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини ёд олиб, уларни ўрганишга иштиёқ кучая боради. Имом Ал-Бухорийнинг илк устози оталари эди. У киши йирик олим бўлиб, ҳадис илми билан шуғулланган. Тарихчи Ибн-Ҳаббоннинг "Машҳур олимлар ҳақида ишончли китоб" асарида Исмоил Бухорий ҳақида бир мунча маълумотлар сақланиб қолган. Имом Ал-Бухорийга оталаридан сўнг ўша пайтда Бухоронинг таниқли муҳаддисларидан бири ҳисобланган аллома Ал-Дохилий устозлик қиладилар. Ёш Муҳаммад дастлаб Абдуллоҳ Ибн Ал-Муборак ва Вақи, Ибн Жарроҳ каби олимларнинг ҳадис тўпламларини ёд олади.

Манбаларда келтирилишича, Ал-Бухорий қалбида ҳадис ёд олиш иштиёқи ўн ёшлигидаёқ пайдо бўлган. Бошланғич таълим олаётган пайтларида пайғамбаримизнинг 70 минг ҳадисларини ёд билган. Бу Ал-Бухорийнинг қувваи ҳофиза — хотиралари жуда кучли бўлганидан далолат беради. Буюк аждодимиз ҳадисларни ёд олиш билан бирга, уларнинг саҳиҳ (тўғри) ва ғайри саҳиҳ (нотўғри)ларини ажратиш, улардаги хатоларни аниқлаб тўғрилаш, ҳадис ровийлари аҳволини, яъни уларнинг адолатли ё адолатсиз, ишончли ёки ишончсизлигини, турмуш-турмушларини, уй-жойларини, туғилган ва вафот этган саналарини ўрганиш билан шуғулланган. Турли ҳадисларни жамлаб, чуқур таҳлил этиб, Қуръони карим оятлари ёрдамида тўғри ёки нотўғри эканлигини исботлаш билан машғул бўлган. Бу борада у кишига Ад-Дохилий дастлабки устоз ҳисобланган. Муҳаммад Ибн Салом Ал-Пойкандий, Абдуллоҳ Ибн Муҳаммад Ал-Маснадий, Иброҳим Ибн Ал-Ашъас ва бошқа олимлар ҳам ҳадис илмини ўрганишда Ал-Бухорийга устозлик қилишган.

Ўша пайтдаги тартиб-қоидага биноан ҳадис илми билан шуғулланган киши аввало ўз юртидаги олимлардан таълим олиши керак бўлган. Уларнинг китобларини ўқиб, зарур жойларини ёд олиб, изоҳлаб, шарҳлаб, мукаммал ўзлаштирганидан кейингина бошқа мамлакатларга сафар қилиш ҳуқуқи берилган. Шу боисдан ҳам имом Ал-Бухорий ҳазратлари ўн беш ёшгача ўз она юрти олимларининг ижодини ўрганган. Аллома зеҳни ўткирлиги, ёдлаш қобилиятининг ғоятда кучлилиги билан халқ орасида шуҳрат қозонган. Ул киши ҳар қандай китобни бир марта диққат билан ўқиб чиқса, ёдда сақлаб қолар экан. Ал-Бухорийнинг бу ноёб қобилияти кўпчилик уламолар томонидан, шунингдек, устозлари — етук муҳаддислар томонидан ҳам юксак баҳоланган. Бу ҳол шу даражага етганки, ҳатто таниқли олимлар ҳам ўз дарсларида Имом Ал-Бухорийнинг ҳозир бўлишидан ҳамда ул кишининг ҳузурида ҳадис илми борасида бирор хато ёки камчиликка йўл қўйишдан хавотирланадиган бўлиб қоладилар. Улар ҳатто ўз китобларидаги хатони тузатиш учун Ал-Бухорийга мурожаат қилишарди. Имом Ал-Бухорий ўша пайтдаёқ ҳадис илми соҳасида етук бир тадқиқотчи сифатида танилган.

***Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан***

Имом Ал-Бухорий ҳадис тўплаш учун сафар қилган даврга назар солсак, бу пайтда ислом олами бениҳоя кенгайган, мусулмонлар жуда кўпайган эди. Шу билан бирга жаноб Расулуллоҳнинг саҳобалари, улардан сўнг тобеъинлар турли мамлакатларга тарқаб кетгандилар. Улар Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини ўзлари борган турли жойларда оммага ёяр эдилар. Ал-Бухорийнинг асосий мақсади ҳам ана шу кенг тарқалган ҳадисларни тўплаб, ўрганишдан иборат эди. Шу боис ўн олти ёшли Ал-Бухорий 825 йили онаси ва акаси Аҳмад билан ҳижозга йўл олади. Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этади. Шундан кейин ҳамроҳларини қайтариб юбориб, ўзи олти йил Ҳижозда қолиб, ҳадис илмидан астойдил таълим олади. Сўнг илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Кўфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, машҳур олимлардан фиқҳ илмини ўрганади. Йирик олимлар даврасида илмий баҳслар, мунозараларда қатнашиш билан бирга толибларга ҳам дарс беради.

Имом Ал-Бухорий хорижий эллардан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан бирга машғул бўлади. Алломадан бизга бой қимматли илмий мерос қолган. Унинг йигирмадан ортиқ асари мавжуд. Улардан "Ал-Жоми, Ас-Саҳийҳ", "Ал-Адаб Ал-Муфрад", "Таърих Ас-Сағийр" ва бошқаларни таъкидлаш мумкин. Лекин у кишининг шуҳратини мағрибу машриққа етказган асари "Ал-Жоми, Ас-Саҳийҳ"дир. "Саҳиҳи Бухорий" номи билан машҳур бу асарда пайғамбар алайҳиссаломнинг энг ишончли ҳадислари тўпланиб, мукаммал асар ҳолига келтирилган. Ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган бу китоб қайта-қайта текширилиб, тинимсиз меҳнатлар, машаққатлар эвазига юзага келган. Ёзиб қолдирган гувоҳларнинг фикрича, Бухорий ҳазратлари бу асар устида 16 йил ишлаган. Чунки ҳар хил сиёсий зиддиятлар, пайғамбаримиз давридан кейин дини исломда пайдо бўлган турли ихтилофлар, сунний ва шиъа йўналишларининг қарор топиши оқибатида 14 минг сохта ҳадис пайдо бўлган экан. Шу боис уларнинг сахийхларини аниқлаш ва тўплаш заруратга айланган.

Буюк юртдошимизнинг табаррук номи бугунги кунда бутун Ислом оламида алоҳида меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва эътибор билан тилга олинади. Мусулмон дунёсининг барча мадрасаю дорилфунунларида алломанинг ўлмас асарлари пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари бўйича асосий қўлланма ҳисобланади.

***ЎзА мухбири Б. МАНСУРОВ ёзиб олди.***

***1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ***



# ШАРОФАТ АЯНИНГ ШАРОФАТИ

***...БУ ФАЙЗЛИ оиладан меҳмонларнинг қадами аримайди. Ташриф буюрганлар, аввало, хонадон соҳибаси Шарофат аяни кўриш, дуосини олишни ўзлари учун ҳам қарз, ҳам фарз деб билишади. Бунинг боиси шундаки, ая табаррук ёш — 80 дан сакраб 90 сари бормоқдалар.***

— Бахтимизга онажонимиз соғ саломат бўлсинлар, роҳатимизни кўриб юрсинлар, — дейди аянинг тўнғич ўғли Ҳусниддин ака Шомуҳаммедов. — Улар борки, бағримиз бутун, улар ҳаётки, турмушимиз файзли.

— Ҳусниддин ўғлим баракa топсин, келиним Мавжудахондан ҳам мингдан-минг розиман, — дейди майин табассум билан Шарофат ая. — Атрофимда доимо парвоналар. Яхшиликлари уларга ҳам фарзандларидан қайтсин...

"Фарзандларидан қайтсин..." Онахоннинг ана шу бир оғиз сўзларида олам-олам маъно бор. Бинобарин, кимки ота-онасини тириклик чоғида иззат ҳурмат қилар экан, ўзи ҳам эътибор топади.

Ҳусниддин ака 30 йил ички ишлар соҳасида сидқидилдан хизмат қилиб, лейтенантликдан ички хизмат подполковниги даражасигача кўтарилди. Ортда қолган йиллар уни тоблади, ҳаётини мазмунларга тўлдирди.

Шундай ҳам бўлардики, юмушлари кўплиги боис, аксарият ҳолларда ишдан жуда кеч қайтарди. Онаизор эмасми, Шарофат ая тунларни бедор ўтказиб ўғлини кутиб ўтирарди. Баъзида ҳавотир оларди, баъзида ўғлининг машаққатли ишини кўз олдига келтириб, бурчини сидқидилдан бажараётганидан кўнгли таскин топарди.

Тотув оилага ҳамма ҳавас қилади. Фарзандлар камолида бош-қош инсоннинг алоҳида ўрни бор, албатта.

— Халқимизда қайноналли келин — қарқара келин деган нақл бежиз айтилмаган экан, — дейди Мавжудахон. — Бахтимдан ўргилайки, мен қарқара келинман. Шу хонадонга тушганимга ўттиз йилдан ошди. Шу йиллар ичида бирор марта бўлса-да, сиз оғзимиз сенга бормади. Қайнона-келин она-боладай бўлиб, раҳматли қайнотам Қаюм ота чироғини ёқиб, уларнинг руҳини шод этиб, ўтирибмиз. Оиламиздаги тотувликка қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар ҳавас қилишади. Бундай муҳитнинг сабабчиси ҳаммамизнинг маслаҳатгўйимиз, оиламизнинг фариштаси онажонимиз бўладилар. Илоҳим уларнинг умрлари узоқ бўлсин, невара ва эвараларнинг ҳам роҳатини кўрсинлар.

Яхши ният қанчалар яхши! Мавжудахоннинг қайноналари Шарофат ая ҳақида айтган бундай илиқ сўзларидан беҳад севиндик. Қувончимизнинг яна бир боиси шундаки, бу оилада ҳар бир шодиёна байрамлар алоҳида шукроналик билан нишонланади. Куни кеча ҳам шундай бўлди...

...Эшик олдига келиб тўхтаган машинадан қўлида совға-саломлар билан Шарофат аянинг тўнғич невараси Асомиддин ҳурсанд ҳолда тушди. Унга пешвоз чиққан умр йўлдоши Покизахон Асомиддиннинг қўлидагиларни олар экан, икковлари бувилари ўтирган хонага киришди. Бундан миннатдор бўлган ая Асомиддинни узундан-узоқ дуо қилдилар.

Ота эмасми, Ҳусниддин Шомуҳаммедов ўғлининг бувисига бўлган эътиборидан ҳурсанд.

— Раҳматли тоғам, генерал Зуннун Имомов доим адолатли, софдил бўлишимни уқтирар эдилар, — дейди у, — фарзандлар катталардан ибрат олишади, буни унутма, деб тайинлардилар. Онамнинг насиҳатлари ҳам худди шу йўсинда. Энди турмуш ўртоғим билан ўғил-қизларимиз роҳатини кўряпмиз, фарзандларим Дилфуза, Асомиддин, Дилноза, Шамсиддин, куёвларим ардоғида, невараларимиз бағрида яшаяпмиз.

Ҳа, пойтахтимизнинг Шайхантоҳур туманидаги Белтепа маҳалласида истиқомат қилаётган бу оилага ҳавас қилса, ундан ибрат олса арзийди. Бинобарин, "Ҳалол хизмат қилган етар муродга" деганларидек, Ҳусниддин акалар хонадонининг турмуш тарзи бунга ёрқин мисолдир.

***Солиҳ ЁҚУБОВ.***

***Суратда: Шарофат ая фарзандлари даврасида. Рустам ШАРИПОВ олган сурат.***

***Экишга тайёрмисиз?***

# УЛАР ШАЙ ТУРИБДИЛАР

Ниҳоят ҳамма илҳақ бўлиб кутган кунлар ҳам келиб қолди. Ҳаво илиб, далалар кафтидан енгилгина ҳовур кўтарила бошлади.

— Хўжалигимизда бу йилги баҳорни бошқача бир руҳ билан қарши олишяпти, — дейди хўжалик раиси Абдурашид Усмонов. — Умумий йиғилиш қарори билан пахта экиладиган минг гектар ерни 105 нафар тажрибали деҳқонларга бўлиб бердик. Бошқарув ҳар бир оилавий пудратчи билан ўн йил муддатга шартнома тузиб, иккала томон қатъий амал қиладиган вазифа ва мажбуриятларни белгилади. Комиссия ерни тақсимлаётганда улар оиласидаги ишловчиларнинг сони, имкониятлари, пудратчиларнинг деҳқончиликдаги тажрибасини эътиборга олди. Мана энди ерли-мулкли бўлиш орзусига эришган аҳоли далага кўчиб чиқиб, экиш олдидан бажариладиган тайёргарлик ишларини олиб боришяпти.

Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалиги ҳар йили ҳам деҳқончилик соҳасида режаларни бажариб, Бўка тумани бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришиб келяпти. Ўтган йил ҳам бундан мустасно бўлмади. 920 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,7 центнердан, жами 2560 тонна пахта топширилди. Бу йил минг гектар ерга чигит экишмоқчи.

— Жумладан, 340 гектар ерда пленка остига чигит экамиз, — дейди Абдурашид Усмонов. — 84 тонна "Фарғона—3" навли уруғлик чигитни дорилаб қўйдик. Пленка остига фақат туксизлантирилган уруғ қадалади. Бунинг учун бир ва икки қаторли чигит экадиган "Андижон-2" русумли 9 та махсус ҳамда очиқ ерга чигит қадайдиган 17 та сеялка сифатли қилиб таъмирлаб қўйилди.

Хўжаликнинг техника саройида бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳам баҳорги мавсумга шай ҳолга келтирилган. 21 та чопиқ тракторлари, 15 та культиватор ва тишли бароналар синчиклаб текшириб, қабул қилиб олинди. Ер оби-тобига келиши билан барча экиш техникаси далага чиқарилади. Абдували Маматов ва Рустам Муродов бошлиқ бригадаларда ташкил этилган кўргазмали семинарда механизаторлар андижонча усулда чигит экиш ва ғўзани парвариш қилиш тажрибаларини ўргандилар.

Кунлар илиб, далалардан ҳовур кўтарилиши билан 500 гектар ерга экилган ғаллазорларда ҳам иш қизиб кетди. Ўтган йили октябрь ойида уруғ экиб бўлиниши билан бу ерлар 85 та пудратчи оила ўртасида тақсимланган эди. Улар қор тушгунга қадар ғалла майсаларини икки марта суғориб, озиқлантириб қўйишди. Далаларга мол-ҳол тушиб пайхон бўлишининг олдини олишди. "Скифянка" навли буғдой дони қаттиқ ва тезпишарлик хусусияти билан бирга сувни ёқтириши сабабли ўрим-йиғим бошлангунига қадар яна икки марта озиқлантириб, тўрт марта суғоришни режалаб қўйишган.,

Хўжаликнинг барча соҳалари йил сайин ривожланиб бораётгани сингари қишлоқнинг ижтимоий қиёфаси ҳам тубдан ўзгармоқда. Кўпгина уй-жой бинолари қурилди, қишлоқ тиббиёт пункти ишлаб турипти, йўллар асфальтланди. Тикувчилик фабрикаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган 3 та устахона, 9 та ун тортадиган ва битта шоли оқлайдиган тегирмон ишлаб турипти. Этикдўзлик устахонаси, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат тармоқлари қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатяпти. Хўжалик бошқаруви қишлоқни янгилаш бўйича тузилган ижтимоий дастурни изчиллик билан амалга ошириб, инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини шаҳардагидан қолишмайдиган даражага етказишга алоҳида эътибор беряпти.

— Республикамиз Президенти Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида қишлоқда ривожланган инфратузилмани барпо этиш юзасидан долзарб вазифалар қўйдилар. Бу вазифани изчиллик билан бажаряпмиз. Аҳоли ичимлик сув билан тўла таъминланган. 310 хонадонда эса "зангори олов" ёняпти.

Биз хўжалик бошқарувида вилоят нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Фаттоҳ Иброҳимов билан кўришиб қолдик. У раҳбарлик қилаётган бирлашма ҳам вилоятдаги бир қатор саноат корхоналари, бўлим ва бошқармалар қаторида қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга амалий ёрдам бериш, хонадонларни ичимлик суви ва газ билан таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиш ташаббуси билан чиққан эди.

— Ғаффор Азаматов номли хўжалик билан кўп йиллик қадрдонмиз, тўғрироғи, бу хўжаликни оталиққа олганмиз — деди Фаттоҳ Иброҳимов. — Чигит экиш, ғўза парвариши ва пахта йиғим-терими даврида улардан амалий ёрдамимизни аямаймиз. Қишлоқ аҳолисини газ ва сув таъминотини яхшилаш борасида ҳам иложи борича кўмаклашяпмиз. Қишлоқдаги 30 фоиз хонадонларга ҳозирча газ кирмаган экан. Шу ишни поёнига етказиш учун хўжалик бошқаруви билан ўзаро шартнома тузиб, қувур сотиб олиш ва газлаштириш ишларига сарфлаш шарти билан етарли миқдорда маблағ ажратдик.

— Биз ҳам қараб турмаймиз, — дейди хўжалик раиси. — Бирлашма ишчиларини далаларимизда етиштириладиган картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаб, қарзимиздан албатта узилиб кетамиз. Икки томонлама ҳамкорлик ҳаммамизга ҳам фақат фойда келтиради.

... Кунлар илиб, далалар яна гавжумлашиб қолди. Деҳқон кўз тиккан ер оби-тобига келяпти. Чигит экишга киришиш учун эса хўжаликда ҳамма нарса тайёр.

***Рафиқ ТУРСУНОВ. "Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири.***



***ҲАМАЛ ойи — амал ойи, деган гап бор халқимизда. Навбаҳорнинг илиқ нафаси борлиққа жон киритди.***

***Иссиқхоналарда етиштирилган бўлиқ кўчатлар пушталарга чиқарилиб, пешма-пеш экиб олиняпти. Қибрай туманидаги "Байтқўрғон" деҳқон-фермер хўжалигининг кўчатчилик бригадаси бир гектар майдондаги иссиқхонада 1 миллион 200 минг туп карам, 3 миллион туп помидор кўчатлари етиштирган эди. Карам экиб бўлинди. Эрта-индин помидор ҳам экилади. Бунинг учун 30 гектар ер тайёрлаб қўйилди.***

***СУРАТДА: бригада бошлиғи Ғофуржон Раҳмонқулов ва кўчатчи Дилфуза Қорабоева иш устида.***

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● 22 МАРТДА Молдовада парламент сайловлари ўтказилади. Шу муносабат билан бу ерга Оврупа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Оврупа парламенти сингари халқаро ташкилотлардан кузатувчилар кела бошлади. Молдова парламентидаги 101 ўрин учун 1407 нафар номзод кураш олиб боради.

● МОСКВА Жанубий Кореядан орттирган қарзларини ўзгача йўл билан уза бошлади. Шу мақсадда Сеулга 1,47 миллиард долларлик Россия қурол-яроғлари етиб келди.

● ИСРОИЛ Бош вазири Б. Нетаньяху давлат тизимидаги энг маҳфий ташкилот — "Моссад" раҳбарлигига генерал Эфраим Халевини тайинлади. Ҳорижда бир неча воқеанавислар қўлга тушгач, бу маҳкаманинг аввалги раҳбари Дани Ятома истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди.

● Президент Саддам Хусайн Ироқ инқирозидан сўнг биринчи марта мамлакатнинг шимоли-ғарбий ҳудудларига сафар қилди. У маҳаллий бошқарув маҳкамалари бошлиқлари билан жойларда вужудга келган муаммолар хусусида гаплашди.

## ШАРҚҚА, ФАҚАТ, ШАРҚҚА!

● БУЮК Британия пойтахти Лондонда Оврупа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг махсус конференцияси бўлиб ўтди. Унда мазкур иттифоқни янги мамлакатлар ҳисобига кенгайтириш муҳокама этилди. Анжуман иштирокчилари яқин келажакда ушбу иттифоққа аъзо бўлиш хоҳишини билдирган қатор мамлакатлар номзодларини кўриб чиқди. Фикр-мулоҳазалардан сўнг биринчи галда Польша, Венгрия, Чехия, Словения, Эстония, Кипр сингари давлатларни тезроқ аъзо қилиш мумкин, деган хулосага келинди. Болгария, Руминия, Словакия, Литва, Латвия номзодлари кейинги навбатга қолдирилди.

## КИМ ЮТИБ ЧИҚАРКИН?

ЎТГАН куни Арманистонда Президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 12 номзод давлат тизимидаги энг юқори лавозим — "Президентлик курсиси" учун кураш олиб бордилар. Улар орасида Арманистоннинг ҳозирги бош вазири Роберт Кочарян, собиқ бош вазир Вазген Манукян, шўролар даврида Арманистон Коммунистик партияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби бўлган Карен Демирчянларнинг имкониятлари анча юқори деб қаралди. Бугун-эрта сайловларнинг дастлабки натижалари эълон қилиниши кутилмоқда. Кўпчилик К. Демирчян ютиб чиқса керак, деган фикрда турибди.

## САЙЛОВДАН КЕЙИНГИ "САВДО"ЛАР

ЎТГАН ҳафтада Ҳиндистон парламенти қуйи палатасига сайловлар бўлиб ўтган эди. Унда, аввал тахмин қилинганидек, Жаната парти партияси ғалаба қилди. Шундан сўнг Ҳиндистон Миллий Конгресси раҳбари В. Кесри истеъфога чиқди. Мамлакат президенти Б. Нараянан ҳукумат тузишни ЖПП етакчиси Атал Бихари Важпаига топширди. Бугун-эрта ҳукуматнинг янги таркиби эълон қилинса, ажаб эмас.

## БАЛЛИ, БОТИРБЕК!

ТОКИОДА мамлакатда рўйхатдан ўтган чет эллик дипломатлар ўртасида япон тилининг энг яхши билимдонини аниқлаш бўйича анъанавий танлов бўлиб ўтди. Япония ташқи ишлар ҳамда маориф вазирликлари томонидан ташкил этилган ушбу танловда 19 дипломатик ваколатхонадан 24 нафар дипломат қатнашди. Биринчи соврин Олмония элчихонаси ходими Вольфганг Бокхольдга насиб этди. Ўзбек дипломатик миссиясида уч йилдан бери ишлаб келаётган ҳамюртимиз — Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси иккинчи котиби Ботирбек Аллаев танловнинг махсус мукофотига сазовор бўлди.

Халқаро миқёсда япон тили анча мураккаб тиллар сирасига киради. Лекин, Б. Аллаев бу тилни анча мукаммал ўзлаштириб олганлигини намойиш қилди.

## ЖОСУСЛИК ВАСВАСАСИ

НОРВЕГИЯДА катта шов-шувга сабаб бўлган жанжал кўтарилди. Россия элчихонасининг беш нафар ходими жосусликда айбланиб, уларни мамлакатдан чиқариб юборишга қарор қилинди. Осло маъмуриятининг гапларига қараганда, улар олий нуфузли Норвегия фуқароларини жосусликка ёллаш бўйича саъй-ҳаракатларини авж олдириб юборганлар. Бу машмашадан норози бўлган Россия томони жавоб чорасини кўришга шайланиб турипти.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

*ШЕЪРИЯТ*

# КЕЛСАМ, СИЗНИ СОҒИНИБ КЕЛДИМ...



**ШЕЪРИЯТИМИЗ майдонига кириб келаётган ажойиб истеъдодли укаларимиз, сингилларимиз, шубҳасиз эртанги адабиётимизнинг очилажак куртаклари, порлаяжак ғунчаларидир. Уларга энг аввал тилак: сабру матонат билан меҳнат қилмоқ, юксак дид ва савияни раҳнамо билмоқ! Қизимиз Зарифа Эралиева матбуотда, Ёзувчилар уюшмасидаги мушоираларда фаол қатнашиб туради. Унинг ёзганлари шунчаки булҳаваслика ўхшамайди. Зарифа жиддий ижоддан чўчимаса, ўзига хос бир шеър гулшанини яратиши мумкин.**

***Абдулла ОРИПОВ,***
***Ўзбекистон халқ шоири.***

## ЁЛҒИЗ АЁЛ

Дунёнинг дарди кўп, даволари кам,
Дунёнинг гарди кўп, гиёлари кам,
Тун устина тундир, зиёлари кам,
Гар чироғинг йўқдур, йўл тутма, аёл,
Аҳли нокаслардан нур кутма, аёл!

Сен учун чиқмагай ҳамиша қуёш,
Бошингдан ёққайдир гоҳ ёмғир, гоҳ тош,
Бир кўзингда кулгу, бир кўзингда ёш,
Ҳар кимдан вафолиғ излама, аёл,
Дардингни бедардга сўзлама, аёл!

Бу олам фаслида фасли мезонсан,
Қалби уммонсан-у, қадри арзонсан,
Еллар торткилаган барги хазонсан,
Гар боғинг бўлмаса, тўкилма, аёл,
Бандинг чок-чокидан сўкилма,аёл!

Бир малҳам сўз йўқдур Сўзингдан бошқа,
Ким зиё тутгайдир Кўзингдан бошқа,
Сени ким суяйди Ўзингдан бошқа,
Гар тоғинг бўлмаса, йиқилма, аёл,
Миннати тоғларга тикилма, аёл!

Оғирдир яримта дил билан яшаш,
Бу чархда жабр мўл, меҳрлар талаш,
Қайга ҳам етардинг, айт, ахир яккаш,
Сен бори ғамлардан устун бўл, аёл,
Яримта дил бўлма, бутун бўл, аёл!...

## БИР СЎЗ...

Ёлғон!
Бағримни тош деганинг ёлғон,
Отгил, мингта тошни эритай.
Осмонингда нозланиб ётган
Ўн тўрт кунлик ойни қаритай.

Ёлғон!
Тилимни гунг деганинг ёлғон,
Кўрсат, қайси қушни тиндирай!
Бир сўз бўлай булбул билмаган —
Кипригингга шабнам индирай.

Қошингда тиз чўкмадим. Бу — рост.
Ипга тизма гуноҳларимни.
Кўзингни оч, дилингни уйғот,
Кел, кўр менинг нигоҳларимни!...

## БУЛ САРОЙ...

Тақдир,
Нечун элтдинг мени бўм-бўш саройга,
Султони тарк этган тахтни на қилай?
Наҳот куним қолмиш кемтик чиройга —
Кўксига тиғ теккан бахтни ва қилай?

Дунёи очунда вафо йўқ азал,
Менинг дилим хундир,
бек кўнгли — кундуз.
Унинг ҳар оқшомин янги ой безар,
Менинг осмонимда қулайди юлдуз.

Баланд деган осмон паст тушса ёмон,
Ўтарсан эгилиб, қаддингни букиб.
Дўст деган кишингдан қасд етса ёмон,
Кетарсан, дардингни ичингга тугиб.

Дилим, бул саройнинг эшикларин оч,
Унут қароқчига таланган кўшкни.
Тошгамас, булбулнинг тилларига соч
Бедилдан дил тилаб тилинган Ишқни!...

## КЕЛСАМ...

Келсам,
Бир гадо-ю хор келди, деманг,
Эҳсонимга зор келди, деманг,
Ғамга гирифтор келди, деманг,
Келсам, Сизни соғиниб келдим!

Шул маъвода юлдузим бор деб,
Кулиб турган кундузим бор деб,
Гуллагувчи бир изим бор деб,
Келсам, Сизни соғиниб келдим!

Суйса... сўзга сиғмайди одам,
Ўз бағрини тиғлайди одам,
Кулиб туриб йиғлайди одам,
Келсам Сизни соғиниб келдим!

Кет, демангиз, тойрилмоқ осон,
Ўзга йўлга қайрилмоқ осон,
Етмай туриб айрилмоқ осон,
Келсам, Сизни соғиниб келдим!

Умр—гулнинг умридай, билдим,
Гоҳи кулдим, гоҳи ўкиндим,
Пойингизга баргдай тўкилдим,
Келсам, Сизни соғиниб келдим...

## МАШОЙИХЛАР АЙТМИШ...

Ўтган кун ўтади,
ўтмаган кун йўқ!
Кутган кун келади,
келмаган кун йўқ!
Оллоҳдан кун тила,
иймонинг тила —
Илло, интиҳога ҳали якун йўқ!!!

## ОГОҲЛИК

Бандасан, бандага дилинг не тилар?
Бил, олам абадий хона бўлмайди.
Отанг кетса ҳаёт оталик қилар,
Онанг кетса... ҳеч ким она бўлмайди!

## ЎҚНИНГ ДЕГАНИ

Мана, яна мўлжал... Отилдим. Тамом!
Бу не иссиқ бағир? Танишлик туйдим.
Дўст, нега инградинг, кўксинг нега қон?
Наҳотки, мен сени... яралаб қўйдим?!

Сенинг заволингга ҳоким менмас, йўқ,
Бир менинг қўлимдан нима ҳам кепти?!
Мен бор-йўғи ўқман, кич-ки-на бир ўқ,
Ўзганинг қўлида аслида тепки!..

## ИНКОР

Ўргатдилар, аввал баҳор,
сўнг қиш келар, деб,
Кўклам кутган изларимга
нечун ёғар қор?
Алдасалар ишондингми,
эй-й, бола кўнглим,
Қишдан кейин келади-ку
аслида БАҲОР!...

***Зарифа ЭРАЛИЕВА.***

*Ёнғиндан сақланинг!*

# САБАБИДАН ОҚИБАТИ ЁМОН

Вилоят ҳамда худудий ёнғиндан сақлаш идоралари вакиллари фуқароларга ёнғиннинг нақадар хавфли эканлигини тушунтириш, ёзма кўрсатмалар бериш, суҳбатлар ўтказишдан ҳеч қачон эринмайдилар. Аммо, вилоят бўйича содир бўлаётган бундай ҳодисалар кўпайса кўпаймоқдаки, асло камаймаётир.

1998 йилнинг ўтган даври мобайнида худудимизда 213 та ёнғин содир бўлди. Бунинг оқибатида тўрт киши ҳалок бўлди, 14 киши турли тан жароҳатлари олишди. Кўрилган моддий зарар эса 2 миллион сўмни ташкил этади.

Мисолларга мурожаат қилайлик: Янгийўл шаҳар Навоий кўчасида яшовчи В. Ким, Тошкент туманидаги "Дархон-2" маҳалласида яшовчи А. Аширбоевлар, Қуйичирчиқ туманининг "Қизил Шарқ" бўлимида истиқомат қилувчи М. Мўминовлар хонадонида чиққан ёнғин туфайли уй эгалари катта моддий зарар кўришди. Чиноз туманидаги "Чиноз" жамоа хўжалигида эса хонадон соҳибларидан икки киши бевақт ҳалок бўлди.

Бу ёнғинларнинг сабаби нимада? Яна такрорлаймиз — лоқайдлик, бепарволик, эътиборсизлик. Одамлар қўлбола электр ва газ асбоб-анжомларидан ўз билганларича фойдаланадилар. Печларнинг мўрилари ўз вақтида кўрикдан ўтказилмайди. Энг ёмони ёш болаларни қаровсиз қолдириб, гугурт ўйнашларига йўл қўйиладилар.

Гапнинг индаллоси, шуки, одамлар доимо хушёр бўлганларидагина, тартиб-қоидаларга риоя этганларидагина нохуш ҳолатларнинг олди олинган бўлади, кишилар ҳаёти хавф остида қолмайди.

***Сайфулла ОТАЕВ,***
***вилоят ИИБ ЁСБ Давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлими бошлиғининг муовини, ички хизмат подполковниги.***

## Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда, 18—22 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда ва тоғли туманларда вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор.

Ҳарорат кечалари 2—7 даража илиқ, кундуз кунлари эса 13—18 даражадан 20 даражагача иссиқ бўлади.

АССАЛОМ, ФУТБОЛ!



# ЯНГИ УМИДЛАР МАВСУМИ

***Бугун мамлакатимизнинг ўйингоҳларида олий табақа жамоалари 1998 йилги чемпионатнинг илк ўйинларини бошлайдилар***

Миллионлар севган ўйин — футбол мамлакатимизда тобора ривожланиб бормоқда. 1998 йилнинг 18 марти мамлакатимиздаги кўпминг кишилик футбол мухлислари хотирасида муҳрланиб қолади. Чунки, бугун олий табақа жамоалари еттинчи бор биринчилик ўйинларини бошлайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, футбол Тошкент вилоятида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг футболни янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирларига қаратилган қароридан сўнг қатор шаҳар ва туманларда янги ўйингоҳлар барпо этилди, кўплаб иншоотлар қайта таъмирланди. Хусусан, Паркент туманида энг замонавий талабларга жавоб берадиган янги ўйингоҳ ишга туширилди. Зангиота, Янгийўл, Чирчиқдаги ўйингоҳлар қайта таъмирланди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси миллий чемпионатининг олий лигасида иштирок этган "Дўстлик" жамоаси фахрли тўртинчи ўринни эгаллаб, ўзининг энг кучли жамоалардан бири эканлигини яна бир бор исботлади. Бешта жамоа биринчи лигада вилоят шарафини ҳимоя қилди. Бекободнинг "Металлург" жамоаси эса бу табақа ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Чирчиқнинг "Кимёгар", "Зангиотанинг "Лочин", "Қибрайнинг "Роҳат" жамоалари ҳам ўзларининг чиройли ўйинлари билан мухлислар қалбидан жой олишди.

1998 йилги чемпионат вилоятимиз ишқибозлари учун янада қизиқарли бўлиши табиий. Чунки, бу йил олий табақада аллақачон ҳорижда ҳам ўзининг чиройли ўйинлари билан донг тарата бошлаган"Дўстлик" жамоаси билан бирга ёш "Металлург" жамоаси ҳам тўп суради.

Албатта, мухлисларни биринчи навбатда "Дўстлик" жамоасининг таркиби ва у ўтказадиган ўйинлар қизиқтириши турган гап. Биз яқинда вилоятдаги футболга мутасадди мутахассислар ва "Дўстлик" жамоасининг раҳбарлари билан мулоқотда бўлдик. Улар 1998 йилги мавсумда "Дўстлик"нинг кучли учликдан жой олиши учун ҳаракат қилишини маълум қилдилар. Бунга тўла асос бор. Аввало, "Дўстлик" жамоаси ўз кучига таяниб иш кўради. Қолаверса, бу йилги мавсумда "Дўстлик" шарафини шу жамоада тарбия топиб, вояга етган ва сўнгги йилларда МҲСК таркибида тўп сурган Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Соиб Аҳмедов, Наманганнинг "Навбаҳор" жамоасида ўйнаган Олег Шацких ва Тошкентнинг "Чилонзор" жамоасида ўйнаган Шерзод Шариповлар ҳам ҳимоя қиладилар.

"Металлург" жамоаси ҳақида шуни айтиш мумкинки, илк бор олий табақада иштирок этаётган бу жамоанинг асосий мақсади олий лигада мустаҳкам ўрнашиб олиш. Шу билан биргаликда ўзининг янгича талқиндаги ўзига хос услубдаги ўйинлари билан мухлисларни хушнуд қилишдир. Яқинда бу жамоага ўзининг "Пахтакор" таркибида ажойиб ўйинлари билан мухлисларни мамнун эта олган Сергей Доценко бош мураббий этиб тайинланди. Бу сўзсиз "Металлург" жамоасининг янада муваффақиятли ўйинлар кўрсатиши учун яхши замин бўлади, деб ўйлаймиз. Бу жамоа таркибига ҳам қатор янги ўйинчилар таклиф этилди. Хусусан, Зангиотанинг "Лочин" жамоасида ўйнаган Ғайрат Одилов, илгари "Дўстлик" таркибида ўйнаган Андрей Яровой, Павел Жалилов ва бошқа қатор янги ўйинчилар "Металлург"да тўп суриш истагини билдирдилар.



Бу йилги футбол мавсуми ҳақида икки оғиз сўз. Мамлакат миллий чемпионатининг савиясини кўтариш, ўйинчиларнинг маҳоратини ошириш, мусобақаларнинг қизиқарли бўлиши учун қатор янгиликлар киритилмоқда. Хусусан, 1998 йилги чемпионатнинг олий табақасида 18 та эмас, 16 та жамоа иштирок этади. Биринчи лигада эса 24 та ўрнига 20 жамоа ўзаро мусобақалашади.

— Биз нафақат олий ва биринчи лигаларда иштирок этаётган жамоаларимизни, балки, Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи лигасида яъни вилоят чемпионатида қатнашаётган жамоаларнинг ўйинларини сифатли қилиш устида ҳам жиддий ишладик, — дейди вилоят спорт қўмитаси бошлиғи Баҳром Ғофуров. — Аввало, барча ўйингоҳларни мавсумга сифатли тайёрлаш юзасидан қўшимча ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Бу борада қабул қилинган вилоят ҳокимининг қарори мавсумга тайёргарлик кўришда катта туртки бўлди. Бу йилги вилоят чемпионатида иштирок этаётган жамоалар сони қисқартирилди. Эндиликда 18 та эмас, 16 жамоа вилоят чемпионлиги учун мусобақалар ўтказади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўп ҳолларда вилоят чемпионатидаги ўйинлар сифатсиз тайёрланган ўйингоҳларда ўтказиларди. Бунинг устига ҳакамлар масаласи анча мураккаб бўлиб, асосан уларни Тошкент шаҳридан таклиф қилишга тўғри келар эди. Вилоят қўмитаси бу борада ҳам катта ташкилий ишларни амалга оширди. Иккинчи лига ўйинларида ҳакамлик қилиш учун вилоятнинг ўзидан 30 нафар ҳакам ўқитилиб, тайёрланди. Улар бу йилги учрашувларнинг адолатли ўтиши учун ҳисса қўшадилар.

Тасодифми, ёки тақдир ҳазилими, ҳар ҳолда олий табақадаги вакилларимиз "Дўстлик" ва "Металлург" жамоалари биринчи тур ўйинларини биргаликда ўтказадиган бўлишди. Бугун роппа-роса соат 17.00 да Бекободнинг "Металлург" ўйингоҳида чемпионат байроғи кўтарилиб, бу икки жамоанинг ўйини бошланади. Нима ҳам дердик. Биз уларнинг ҳар иккисига ҳам ўйинда омад тилаймиз.

Шундай қилиб, мамлакатимизда катта футбол мавсуми бошланди. Биз барча ишқибозларни ўйингоҳларга таклиф этамиз. Ўйлаймизки, янги мавсум орзуларимиз, умидларимиз ушаладиган йил бўлиб қолади.

***М.ФАТТОҲОВ.***

*Қуйида олий табақа жамоаларининг 1-давранинг 1-тур ўйинлари тақвими билан танишинг:*

**18 МАРТ, ЧОРШАНБА**

"Навбаҳор" (Наманган) — "Пахтакор" (Тошкент).
"Зарафшон" (Навоий) — "Насаф" (Қарши).
"Метуллург" (Бекобод) — "Дўстлик" (Тошкент вилояти).
"Хоразм" (Урганч) — "Трактор" (Тошкент).
"Сурхон" (Термиз) — "Нефтчи" (Фарғона).
"Сўғдиёна" (Жиззах) — "Андижон" (Андижон).
"Бухоро" (Бухоро) — "Темирйўлчи" (Қўқон).

**19 МАРТ, ПАЙШАНБА**

"Косонсой" (Косонсой) — МҲСК (Тошкент).


**Ҳурматли давлат ва шахсий автотранспорт воситалари эгалари!**

*«Ўздавнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмаси, унинг Тошкент вилояти нефт маҳсулотлари корхонаси, «Ўзнефтгазназорат» бошқармаси билан биргаликда ўз тасарруфидаги ва барча хусусийлаштирилган ёқилғи тарқатиш шахобчалари ишини тубдан яхшилаш, замонавий талаблар даражасига кўтариш мақсадида, Сиз хизматларидан фойдаланаётган шахобчаларда сотилаётган автобензиннинг миқдорини рақамли кўрсатгич орқали назорат қилинг, миқдоридан кам берилса ва унинг сифати бўйича эътирозингиз бўлса қуйидаги ташкилотларга телефон орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.*




*Чинобод нефт базаси*
*Тел.: 133-89-71, 133-71-38*

*Тошвилоятнефтмаҳсулот корхонаси*
*Тел.: 24-75-92, 24-72-00*

*Ўздавнефтмаҳсулот ХБ*
*Тел.: 136-37-13, 133-37-45*

*Ўзнефтегазназорат бошқармаси*
*Тел.: 68-22-42, 68-04-50*

*Ёқилғи тарқатиш шахобчалари фаолиятини яхшилаш ишига қўшган хиссангиз учун аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.*

© РИА «Ташкент-Таймс»




Бўка туманидаги "Лаззат" шахсий савдо корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида (8-257) 3-50-79 рақамли телефон орқали қабул қилинади.


Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги "O'zmatbaa — ta'minot" Республика корхонасининг жамоаси бош директор Н. А. Маъдиевга волидаи муҳтарамалари

**ЁҚУТХОН АЯнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* *хатлар ва оммавий ишлар бўлими:* *133-40-48* *Эълонлар:* *133-99-15, 136-57-27.*

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-01049. Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 16.362 нусҳа.

"**Шарқ**" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти - 20.30. Босишга топширилди - 18.30. 1 2 3 4 5 6